Сирдарё МУДЛАЖОНОВ оigan суратлар

тилса, янги маданий қатламларни очиш имкони пайдо бўлади.

ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР

Бу йил ҳисобидан бир ярим ой давом этган экспедициянинг ўзида топилган буюмларни қузата туриб, аждодларимиз зақоса, юксак маданияти ва маънавияти билан чиндан ҳам умуминсоний тамаддунга катта ҳисса қўшганига амин бўлиш мумкин. IV-V асрларга оид гиёҳларни янчадиган тош кели ва илк ўрта асрларга тааллуқли исирқидон бу ҳудудда халқ табиати анча ривож топганидан дарак. X-XI асрларга тегишли араб ёзуви туширилган сопол идиш

...Кўҳна Ховос тепалигидан қайтарканмиз, Сирдарё ҳам Самарқанд, Бухоро, Хива ё Термиз каби икки ярим миң йилдан зиёд ёшга эга экани, Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу қадим замин халқи ҳаммиса Ватанимиз ҳудудидagi тараққиёт марказида бўлганини яна бир бор чуқур англагандай бўлди. Агар хали ҳам кимдир Сирдарёни кечганига ўзлаштирилган чўл деб ўйлаб юрган бўлса, Кўҳна Ховос ёдгорлигини бориб кўриши керак.

Умид ЁҚУБОВ

Кўрник-танлов

Ватан — буюк аждодларимизнинг муборак хоклари осойиш топган табарруқ замин. Шу улғ тушунча боис ор-номус, қадр-қиммат, гурур-ифтихор ҳақида ўйлай-миз. Дунёда қўшиқлар кўп, аммо улар орасида энг суюғи она Ватан мадҳи юксак пардаларда тараннум этилган қўшиқдир.

"Туркистон" санъат саройида Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллигига бағишлаб ташкил этилган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танловининг якуний босқичи ва улар иштирокидаги

гала-концертда бу жихатлар яна бир бор ўзининг ёрқин ифодасини топди. Тадбирга мазкур санъат байрамнинг турли ва-зирлик ва идоралар, ижодий ташкилотлар тизимида голиб бўлган ижрочилар ва ижодий

Ягона ва муқаддас Ватан тараннуми

жамоалар таклиф этилди. Президентимиз ташаббуси билан анъанавий тарзда ўткази-ка келинаётган "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўрик-танлови Ватанга садоқат, унинг тақдирини учун дахлдорлик ҳисси билан йўғрилган мазмунан теран, бадий етук қўшиқлар яратилиши рағбатлантириш, уларни халқимизнинг маънавий мулкига ай-лантиришда муҳим омил бўлаётди.

Танлов давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори асосида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлаш-маси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари ҳамкорлигида ташкил этилди. Бунда ис-тиқлолни тараннум этишга қаратилган энг яхши қўшиқ-

лар, мусика асарларига алоҳида эътибор қаратилди. Танлов ташкилий қўмитаси кўришни жойларда юқори савияда ўтказиш учун тажрибали режиссёрлар, бастакорлар, шоирлар ва малакали мутахас-сисларни жалб этди. Жорий йилда танловнинг 1-2 босқич-ларида, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим, Маданият ва спорт ишлари, Ички ишлар, Мудофаа вазирликлари, "Ўзбекнаво" эстрада бирлаш-

маси тизимидаги босқичлари-да жами 58 миңга яқин проф-фессионал ва хаваскор хонан-да, бадий жамоалар, болалар ансамбллари, хор жамоалари фаол иштирок этди. — Ватанни қуйлаш, уни юк-сак пардаларда мадҳ этиш олий шарафдир, — дейди ҳамма-лар хайъати аъзоси, Ўзбекистон санъат арбоби, бастакор Рус-тан Абдуллаев. — Танлов учун тақдим этилган қўшиқларда уларнинг бадий савияси, хона-налларнинг ижро маҳорати билан бирга, "Бетакоримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбе-кистоним!" деган эзгу фояни

ўзида қандай даражада мужас-сам этганига ҳам алоҳида эъти-бор қаратилди. Танловда томошабинларга юртимиздаги тинчлик ва осой-ишталик, мусаффо осмонимиз, истиқлол ва Ватан, ёшларга кўрсатилган чексиз меҳр ва эътибор, бағрикенг, меҳнатсе-вар халқимизни тараннум этув-чи қўшиқлар тақдим этилди. Танлов голиблари энг улғ, энг азиз байрамимиз — муста-қиллик қуни арафасида эълон қилинади. Дилфуза РЎЗИЕВА, "Milliy tiklanish" муҳбири

Қарор ва ижро

Сайқал топаётган маҳорат



бадий ижодиёт марказига кириб борганимизда ўғил-қизларнинг бири расм чизаётгани, бири кашта тикаётгани, яна бири рақс билан шуғулланаётганининг гувоҳи бўлдик.

— Табиат манзараларини чизишни яхши кўраман, — дейди “Ёш мусаввир” тўрагаи аъзоси Бегойим Олимжонова. — Ҳозир шахримиздаги сўлим боғ ва хиёбонларни акс эттирялман. Маҳалламиздаги ўртоқларим ҳам турли йўналишлардаги тўрагаларга қатнашяпти.

— Айни пайтда муассасамиз 6-16 ёшгача бўлган ўнлаб иқтидорли ёшларни ўз атрофига бирлаштирган, — дейди республика “Баркамол авлод” болалар бадий ижодиёт маркази директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Йўлдошхўжа Акбаров. — Бу ерда бадий ижодиёт, техник, ўлкашунослик ва экология каби 19 йўналишдаги 39 тўрага рақс ташкил этилган. Уларга 726 нафар ёш жаб қилинган. Иштирокчиларнинг 81 нафари кам таъминланган оила фарзандларидир.

Марказимизда ўқувчиларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бориш мақсадида турли тадбирлар, танловлар ташкил этиш аънаънага айланган. Ўзига хос синов ҳисобланган бундай баҳсларда ўқувчилар маҳорати, интеллектуал салоҳияти тўла намоён бўлаётди.

Бинобарин ўтган ўқув йилида ташкил этилган кўплаб кўрик-танлов ва тадбирларга икки мингдан зиёд истеъодли ёшлар қамраб олинди.

Муассаса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва шарқона ҳаёт фалсафасидир.

Узлуқсиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабдан ташқари таълим муассасалари ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунда белгиланганидек, болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасаларидан иборат. Мазкур даргоҳларда ташкил этилган турли тўрагаларда ёшлар спорт, касб-ҳунар ёки бирор-бир ижодий йўналиш бўйича ўз иқтидорини салоҳиятини юксалтириш имкониятига эга. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда қабул қилинган “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни замон талабларига мувофиқ ташкил этиш, навқирон авлод ижодий қобилиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рўёбга чиқариш йўлидаги ишларни тубдан такомиллаштириш имконини бераётди.

Пойтахтимиздаги республика “Баркамол авлод” болалар



Тошкент шаҳридаги бадий ижодиёт йўналишидаги марказлар услубчилари, тўрага раҳбарларининг илғор тажрибаларини омдалаштириш, зарур ҳолларда амалий ёрдам бериш, истеъодли ёшларни кўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратиб келаётди. Бу борада умумтаълим мактаблари ва маҳаллалар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Нафақат ёшлар, балки тўрага раҳбарлари, услубчилар, ижодий ходимлар ўртасида ҳам танлов ва мусобақалар ташкил этилаётгани ўз натижасини кўрсатмоқда. Жумладан, жорий йилнинг бошида “Энг яхши услубий кўлланма” танловига тақдим этилган 60 дан зиёд кўлланма ва тавсиянома муаллифларидан олти нафари голиб деб топилди, уларнинг тажрибаси омдалаштирилди. “Йилнинг энг яхши тўрага раҳбари” кўрик-танловида “Ёш доирачи” тўрага раҳбари Шерзод Шуқуров голиб бўлди. Ушбу тўрага аъзолари мамлакатимиз ҳамда хорижда ташкил этилган бир

қатор фестивал ва танловларда муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

— Ҳозирда марказимизда йигирмадан зиёд ўқувчи махсус дастур асосида инглиз тилини ўрганмоқда, — дейди Й.Акабаров. — Келажақда ушбу тўрагаларни француз, немис, корейс, япон тиллари ҳисобига кенгайтириш ниятидамиз. Яқинда муассасамиз мукамал таъмирдан чиқарилиб, замонавий жиҳозланди. Айни кунларда “Миллий рақс”, “Зарб”, “Ёш ижодкор”, “Йилнинг энг яхши услубчиси”, “Ёш қаламкаш” ҳамда “Ёш ҳунарманд” сингари кўрик-танловларни ўтказишни йўлга қўйдик. Шу жумладан, “Ёш қаламкаш” кўрик-танловида юртимиздаги “Баркамол авлод” марказларининг ёшлари ўзларининг сара асарлари билан қатнашди. Бундай тадбирлар иқтидорли ёшларни аниқлаш ва кўллаб-қувватлашга имкон беради.

— Келажақда орзуларим кўп. Шифокор бўлмоқчиман. Мактабда аниқ фанларни ўзлаштириш билан бирга мусиқага ҳам қизиққан бўйс, марказдаги “Фольклор” доирачилар тўрагага қатнашяпман, — дейди Шохруҳ Шомухомов. — “Зарб-2015” ёш доирачилар кўрик-танловининг якуний босқичида 1-ўринни эгалладим. Миллий чолғумиз — доиранинг ўзига хос имкониятларини келажақда хорижда ҳам кенг намоён этишни ният қилганман.

... “Баркамол авлод” болалар марказини ўз келажагини куриш учун йўлга чиққан ёш авлод учунгинагина эмас, балки маҳорат бешиги, дейиш мумкин. Зотан, ижод завоқи билан улгайган авлоднинг онгидида эзгуликлар куртак ёзади, қалби бунёдкорликка эш, йўли гўзалликка туташ бўлади.

Дилфуза РЎЗИЕВА, “Milliy tiklanish” мухбири

МММда

Ахборот кучи, сўз қудрати

жамиятни демократлаштиришнинг муҳим омили

Ўзбекистон Миллий университети Миллий матбуот маркази билан ҳамкорликда “Жамиятни демократлаштириш жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш” мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Унда университетнинг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирда соҳада изчил давом этаётган ислохотлар, айниқса, давлат бошқарувида “электрон ҳукумат” тизими орқали миллий ахборот технологияларини ривожлантириш, ўзаро ишончли ахборот айирбошлов ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этаётгани таъкидланди.

— Ахборотлаштириш тизими босқичма-босқич амалга ошириладиган жараён, — деди ЎЗМУ журналистика факультети доценти Нозима Муродова. — Бунда давлат сектори, бизнес ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки асосий омил саналади. Айниқса, ахборотлашган жамиятни ривожлантиришда “электрон ҳукумат” тизимини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Фуқароларнинг давлат интерактив хизматларидан фойдаланиши давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш имкониятини кенгайтиради. Шунингдек, ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши давлат бошқаруви тизими фаолиятининг очкичилигини таъминлашга хизмат қилади.

Матбуот анжуманида “электрон ҳукумат”нинг жамиятни демократлаштириш ва либераллаштиришдаги ўрни, электрон мурожаатларнинг аҳамияти, таълимга оид ахборот порталлари фаолиятини ривожлантиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилди.

Оммавий ахборот воситалари давр билан ҳамнафас

2013 йилда 259 та, 2014 йилда 2452 та таҳлилий-танқидий мақола чоп этилган бўлса, жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 1557 тани ташкил этади. Шуларнинг 416 таси соф танқидий мақоладир.

Бу ҳақда 18 августда Миллий матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Тадбир давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва ОАВ ходимлари кун муносабати билан йўллаган байрам табригида белгиланган вазифалар ижросига бағишланиб, Журналистлар ижодий уюшмаси таъбуоти билан ташкил этилди. Унда Олий Мажлис депутатлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди раҳбарлари ҳамда журналист кадрларни тайёрловчи олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Анжуманда Президентимизнинг жорий йил Ўзбекистон матбуот ва ОАВ ходимларига йўллаган байрам табригида белгиланган вазифалар ижроси доирасида соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди. Унда сўзга чиққанлар бугун давлат ва ҳокимият идоралари фаолиятининг очкичилигини таъминлаш борасида жойларда олиб борилаётган туб ислохотлар самараси, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида шаффоф муносабатни қарор топтиришда ОАВ олдидида турган долзарб масалалар юзасидан фикрлашди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти директори Ғолибжон Абдукаримов Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда янги жамият, озод ва обод ҳаётни барпо этиш борасидаги узоқни кўзловчи, пухта ўйланган ислохотлар жараёнида миллий матбуот ҳосасини жадал раванқ топтириш, фуқароларнинг сўз ва ахборот олиш эркинлигини тўла таъминлаш масаласига устувор аҳамият қаратилаётганини таъкидлади.

Сўнги йилларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган босма матбуот нашрларида эълон қилинаётган таҳлилий-танқидий мақолаларнинг сони ва салмоғи ортиб бормоқда.

— Бугун жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларида мустақил босма ва электрон ОАВ ҳам муҳим рол ўйнайди, — деди Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини кўллаб-қувватлаш фонди директори Абдуллаев. — Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 1,4 мингдан ортиқ босма ва электрон оммавий ахборот воситасининг асосий қисми нодавлатдир. Уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларнинг малакасини ошириш доимий эътиборда. Зеро, ахборот ва сўз эркинлигига эришиш биз мақсад қилган ҳуқуқий-демократик давлат, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг энг муҳим шартидир.

Тадбирда журналист кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, уларга зарур шароит ва имконият яратиш, бу борада тегишли ўқув юртлари ва таҳриратлар ўртасида яқин ҳамкорликни йўлга қўйиш каби долзарб вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Аҳмад ЮСУПОВ, “Milliy tiklanish” мухбири


Президентимиз Ислам Каримов “Юксак маънавият — енгилмас куч” китобидида “Ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида, аввало, шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, фарзандларимизни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган қомил инсонлар этиб вояга етказиш — таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим”, деб таъкидлайди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан узлуқсиз таълим тизимининг жорий қилиниши самарасида мустақил фикрловчи, кенг билимли, озод ва ҳур фикрли баркамол шахсни тарбиялаш умуммиллий мақсадга айланди. Бунда ҳар бир боладаги муайян интеллектуал салоҳиятни, ички қувватни юзага чиқариш учун зарур шарт-шароит яратишга, жамиятимизнинг потенциал кучларини юзага чиқаришга устувор аҳамият қаратилаётди. Бу эса фарзандларимизни чакалоқлик давридани то вояга етгунча, аниқ мақсадли дастур асосида жисмонан, ақлан ва маънан юксалтиришнинг самарали тизими шаклланишидан далолатдир.

Шу боис юртимизда ёшларни мактабдан ташқари таълимга кенг жалб қилиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ва фойдали машғулотлар билан ўтказиши учун кенг имконият ва шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётди. Зеро, Юртбилшимиз таъкидлаганидек, таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш,

шарқона ҳаёт фалсафасидир. Узлуқсиз таълим тизимининг муҳим бўғини бўлган мактабдан ташқари таълим муассасалари ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунда белгиланганидек, болалар, ўсмирлар ижодиёти саройлари, уйлари, клублари ва марказлари, болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, санъат мактаблари, студиялар, кутубхоналар, соғломлаштириш муассасаларидан иборат. Мазкур даргоҳларда ташкил этилган турли тўрагаларда ёшлар спорт, касб-ҳунар ёки бирор-бир ижодий йўналиш бўйича ўз иқтидорини салоҳиятини юксалтириш имкониятига эга. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралда қабул қилинган “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бу йўналишдаги ишларни замон талабларига мувофиқ ташкил этиш, навқирон авлод ижодий қобилиятини аниқлаш, ривожлантириш ва рўёбга чиқариш йўлидаги ишларни тубдан такомиллаштириш имконини бераётди.

Пойтахтимиздаги республика “Баркамол авлод” болалар



Тадбир

Истеъмол бозори

сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойиб бораётир

Мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилаётган юксак эътибор самарасида аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш кўлами ва имкониятлари кенгаймоқда. Бу соҳага ихтисослашган корхоналарга солиқ имтиёзлари берилаётгани маҳсулотларни қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорда сотишда муҳим омил бўлмоқда.

Бугун юртимизда бу йўналишда юзлаб тадбиркорлик субъектлари ва қўшма корхоналар фаол иш олиб бораётди.

Айниқса, “Angren shakar”, “Marmaks”, “Agromir Grup”, “Afrosiyob Meva”, “Master Delikates”, “Tegen Group” каби маҳаллий корхоналар мамлакатимиз озиқ-овқат саноати салоҳияти юксалишига салмоқли ҳисса қўшаётди.

Мавжуд корхоналар қувватини ошириш ва янгиларини ишга туширишга инвестициялар кенг жалб этилаётгани ҳам соҳанинг жадал суръатларда ривожланишида муҳим омил бўлаётди. Масалан, 2008 йилда умумий қиймати 30 миллион долларлик 150 лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган бўлса, бугун уларнинг сони 1,4 мингдан ортиб, 210 миллион доллардан зиёд инвестиция ўзлаштирилмоқда. Бунинг натижасида ўтган 5 йил давомида гўшт, сут ва мева-сабзавотни қайта ишлаш 1,5-2 марта ошди. 20 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Энг муҳими, бу билан мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлиги таъминланмоқда. Ёшлар ҳам касб-ҳунар ўрганмоқда, ҳам даромад топиб, рўзғорига барака қиритаётди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида бўлиб

ўтган Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмасининг “Истиқлол йиллари: озиқ-овқат саноатининг юксалиш одимлари” мавзусидаги матбуот анжуманида ана шулар ҳақида ҳам сўз борди.

Тадбирда Ўзбекистон озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раисининг ўринбосари А.Қамбаров ва бошқалар мамлакатимизда қўлай инвестиция муҳити ва озиқ-овқат саноатининг кенг имкониятларга эгаллиги хорижий ишбилармонларнинг диққатини тортаётганини таъкидлади. Натижада, ўтган йиллар давомида юртимизда соҳада ўз мавқеига эга бўлган қатор нуфузли чет эл корхоналарининг филиаллари иш бошлади. “Нестле”, “Кока коле”, “Карлсберг” компаниялари шулар жумласидан.

Озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг ошиши билан уларнинг ташқи бозорда ҳам хариддорлиги ортиб бораётди. Бугун “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” белгиси остидаги маҳсулотлар 80 дан ортиқ давлатга экспорт қилинаётди. Бу мамлакатимиз саноати салоҳиятини ошириш, юртимиз ижобий имижини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда маълум қилинишича, яқин беш йилда мамлакатимизда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси бир ярим баробар, консервалар ишлаб чиқариш икки мартага кўпаяди, бу эса минглаб янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Бу мақсадлар учун 2020 йилга қадар умумий қиймати 910 миллион долларлик минглаб лойиҳа амалга оширилади. Қувонарлиси, ишлаб чиқариш корхоналарининг аксарияти қишлоқ жойларида ташкил этилади. Бу эса қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини янада оширишда катта имконият демакдир.

Ўз мухбиримиз

Оромгоҳ

Сардор Уктамов бу йилги ёзги таъилни Ғалаорол тумани, Қизилқўрғон қишлоғида жойлашган 24-умумтаълим мактаби қошидаги “Кўёшча” соғломлаштириш оромгоҳида ўртоқлари билан бирга мароқли ўтказиб, энди янги ўқув йилига тайёргарлик кўрмоқда.

Болалар мароқли ҳордиқ чиқарди

Оромгоҳда Сардор каби 70 бола ёзнинг ҳар бир кунини завқли ва таассуротларга бой ўтказди. Сўлим ва баҳаво гўшадаги сайр, турли тадбир ва кўнгилочар ўйинлар, саёхатлар, уларнинг хотирасида узоқ вақт сақланиб қолади.

— Бу ернинг табиати ва яратилган шароит менга ёқди, — дейди Жиззах туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчиси Зарифжон Қойилжонов. — Хушманзара ва баҳаво жой экан. Биринчи кунданок турли мусобақалар, танловларда қатнашдим. Янги дўстлар орттирдим.


— Оромгоҳга келган ҳар бир болани қисқа фурсатда ҳам жисмонан, ҳам ақлан янада чинқишига эътибор қаратилди, — дейди оромгоҳ раҳбари Асадулла Абдушукуров. — Биринчи галда болаларнинг овқатланиш тартиби, уларнинг саломатлиги диққат марказимизда бўлди. Хусусан, таомномалар таркиби бойитилди, табиий ва шифобахш хусусиятга эга шарбат ва фиточойларни тайёрлаб қўйиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, бепул тиббий хизмат кўрсатиш хоналари ташкил қилиниб, улар зарур дори-дармонлар билан таъминланди. Болажонларнинг мароқли дам олиши билан бирга, билимини мустаҳкамлаши учун барча қўлайлик яратилди. Айниқса, оромгоҳдаги “Камалак” ва “Лочин” гуруҳлари фаолияти мақтовга арзигулик. Болажонларнинг ранг-баранг бўёқларда чизган суратлари, деворий газеталари, “Мохир кўлар” тўрагаи ижоди маҳсули — турли ўйинчоқлар ва нафис нақшларни кўриб, қойил қолмай иложингиз йўқ. Ҳар бир хона озода ва батариб. Кўчма кутубхона дам олувчилар ихтиёрида бўлди. Тарбиячилардан Яшигул Азимова, Шоҳсанам Файзуллаева, спорт ўйриқчиси Сарвиноз Абдуғаниева, мусиқачи Хуршида Йўлдошова болажонларнинг мазмунли дам олишлари учун астойдил ҳаракат қилишди.

Болажонлар мана шундай замонавий шароитда ҳордиқ олиш билан бирга мавсум давомида кўплаб бадий-мусиқий томошалар, қизиқarli ижодий учрашувларнинг иштирокчиси бўлишди. Санъат усталари, иқтидорли ижрочи ёшлар, танкили олимлар, ёзувчи ва шоирлар билан дилдан суҳбат қуришди.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Бизнинг шарҳ

Сув балосидан асрасин



Сув тошқинлари мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказибгина қолмай, одамлар ҳаётини ҳам хавф остига қўяди. Бугун фан-техника илдамлаб, зарурий чора-тадбирлар қўрилайётганига қарамай, инсоният ҳамон сув офати қаршида ожиз. Ҳисоб-китобларга қараганда, дунёнинг 1 миллиард аҳолиси сув тошқини хавфи мавжуд минтақалар (3 миллион квадрат километр)да истиқомат қилади. Энг ёмони, ўтган асрнинг иккинчи ярмида сув тошқинлари етказган зарар ўн бараварга ошган. Бугунги кунда ҳам мазкур табиий офат туфайли дунё иқтисодиёти йилга қарийб 200 миллиард доллар зарар кўрмоқда.

Сув тошқинлари етказадиган талофатига кўра ҳам бир-бирдан фарқ қилади. Тез-тез юз берадиган сув тошқинлари ўн йилда бир мартаба кузатиладиганларига нисбатан кам талофат келтиради. Шу боис гидрологлар сув тошқинларини кўламага кўра тўрт гуруҳга бўлади. "Кичик" сув тошқинлари дарёлар сув сатҳининг ошиши туфайли юзага келади. Унча катта бўлмаган соҳил бўйлари қамраб оладиган бундай сув тошқинлари одатда ҳар 5-6 йилда рўй беради. Аҳоли унинг оқибатларини бартараф этишда у қадар қийинчиликка дуч келмайди. "Хавфлироқ" дейилувчи гуруҳга кирувчи сув тошқинлари ҳар 20-25 йилда кузатилади. У дарё vodiylari худудини қамраб олади, 10-20 фоиз экин майдонларини сув остида қолдиради, мамлакатлар иқтисодиғига катта зарар етказиши мумкин. Гидрологлар "жуда хавфли" деб таърифлайдиган сув тошқинлари жуда кам — 50-100 йилда кузатилади. Дарё ҳавзасидан чиқиб кетадиган сув экин майдонларининг 50-70 фоизини, баъзан аҳоли яшаш пунктларини пайҳон қилади. Оқибатда бутун қишлоқ хўжалиғи издан чиқади. Одатда, бундай офат пайтида аҳолини хавфсиз жойларга кўчириш талаб этилади. Олимлар "ҳалокатли" деб таърифлайдиган сув тошқинлари бир ёки бир нечта сув ресурсларининг ўзанидан чиқиб кетиши оқибатида юзага келади. Шу боис, деярли барча қишлоқ хўжалик майдонлари, шаҳарлар сув остида қолиб кетади, кўглаб одамлар ҳалок бўлиши мумкин. Одатда бундай табиий офат оқибатларини бартараф этиш бир мамлакатнинг кўлидан келмайди. Бунинг учун халқаро ҳам-жамиятнинг кўмаги зарур. Айтиш жоиз, дунё тарихидаги энг кўламдор сув тошқини ўтган асрнинг ўттинчи йилларида Хитойда юз берган. Ушанда бир неча кун ёққан кучли жала мамлакатнинг уч сервус дарёси — Янцзи, Хуанхэ, Хуайхэнинг ўзанидан чиқиб кетишига, йирик сув тошқини юзага келишига сабаб бўлган. Табиий офатдан 3,7 миллион аҳоли жабр кўрган, тўнғлар вайрон бўлган, 300 минг гектар унмдор ер майдони сув остида қолган. Жорий йил ҳам сув тошқинларидан холи бўлмапти. Масалан, май ойида АҚШнинг Оклахома, Техас штатларида ёққан кучли

жала оқибатида сув тошқини рўй бериб, 24 киши ҳалок бўлди. Офатдан, айниқса, Техас штати кўпроқ жабр кўрди. Шу боис бу ерда фавқулодда ҳолат эълон қилишга тўғри келди. Хитойда "Соуделор" тўфонининг келиб чиқиши оқибатида 20 киши ҳалок бўлди, беш киши бедарак йўқолди, 200 мингдан зиёд киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Ер усти, ҳаво ҳамда денгиз транспортлари қатнови бекор қилинди. Мамлакатнинг биргина ана шу қисмига 40 миллион АҚШ доллари миқдоридан зарар етди. Кучли жала, шамолнинг соатига 280 километр тезлик билан ҳаракатланиши оқибатида бинолар шикастланди, электр таъминоти издан чиқди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, биргина Вэньчжоу шаҳрида бир сутка давомида 640 миллиметр ёғин тушган. Бу сўнгги юз йил ичидаги рекорд кўрсаткичдир. Мьянмада эса сўнгги ўн йил ичидаги энг кучли сув тошқини сабаб қарийб бир миллиондан зиёд киши жабр кўрди. Ҳукумат вакилларининг маълумотларига кўра, табиий офат туфайли тахминан юз киши қурбон бўлди. Сув тошқини туфайли минглаб уйлар вайронга айланди, аҳоли турар-жойини тарк этишга мажбур бўлди. Мамлакатнинг бир қатор штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Юзлаб аҳоли пунктлари, қишлоқ хўжалиғи майдонлари сув остида қолди. Оқибатда мамлакат ҳукумати халқаро ҳамжамиятга ёрдам сўраб мурожаат қилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Мьянманинг мурожаатини инobatга олиб, ёрдам тариқасида 9 миллион доллар маблағ ажратди. Сел — катта миқдорда тоғ тошлари, қум ва тупроқ жинслари билан биргаликда тоғдан оқиб тушувчи сув оқими бўлиб, мунтазам жала қўчиши (85 фоиз ҳолатларда), тоғ қорларининг эриши, тоғ сув ҳавзалари, сув омборлари, музлабган сув ҳавзалари қирғоқларининг ўпирилиб кетиши ва бошқа сабаблар туфайли юзага келади. Катта ҳажм ва юқори тезликка эга сел оқими йўлдаги барча бинони, аҳоли яшайдиган уйлари, гидротехника иншоотларини бузиб, қишлоқ хўжалик экинларини, боғларни пайҳон қилади. Сел оқимининг вужудга келиши апрель, май ойларига тўғри келади, бу даврда тоғ ва тоғ олди худудларида кўп миқдорда ёмғир ёғиши

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Вулқон отилди

Эквадор пойтахти Киотодан 50 чақирим узокдаги энг фаол вулқонлардан бири — Котопахининг ҳаракатга келиши оқибатида куюк кул булути 5 чақирим баландликкача бўлган масофани қоплади.


Маҳаллий аҳоли ва сайёҳларга нафас олишни енгиллатиш учун тиббий никоблар тарқатилди. Шунингдек, химоя кўзойнақларини тақийиб, ёпиқ кийим кийиш ва илжи борича кўчага чиқмаслик тавсия қилинмоқда.



Жазираманинг "жабри"

Мисрда ҳукм сураётган жазирама оқибатида 90 киши ҳаётдан кўз юмди.

Кундузи ҳаво ҳарорати 45 даражага етмоқда. Иссиқ ҳаводан, айниқса, кексалар кўп жабр кўрмоқда. Офтоб уриши туфайли бир ярим мингдан зиёд фуқаро шиофхонага ётқизилди. Синоптикларнинг фикрича, юқори ҳаво ҳарорати ҳафта охирига қадар сақланиб қолади. Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлиғи фуқароларга илжи борича уйни тарк этмаслигини, кўпроқ сув ичишни тавсия этишмоқда.



Эҳром остидаги қўл

Мексикалик олимлар қадимий Чичен-Ица шаҳрида жойлашган Кукулькана эҳром остида қўл борлигини аниқлашди.


Қўлни Геофизика институту ҳамда Мексика миллий муҳтор университетининг муҳандислик факультети тадқиқотчилари кашф этди. Ер ости табиий объектнинг кенглиги тахминан 25-30, чуқурлиги 20 метрни ташкил қилади. Энди археологлар майя қабиласи эҳромларни қуришдан аввал мазкур қўл ҳақида билишгани борасидаги масалага ойдинлик киритишлари лозим.

Чичен-Ица шаҳрига милодий VI асрда асос солинган. Кукулькана эҳром эса шаҳарнинг диққатга сазовор жойларидан бири бўлиб, 1988 йилда ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси объектлари рўйхатида киритилган.



Электр автомобиль

Австралиянинг "EVX" компанияси томонидан аккумуляторлари қўш батареялардан қувватланадиган "The Immortus" электр спорт автомобили яратилди.



"The Immortus"нинг узунлиги 5, эни 2 метр, баландлиги 1,1 метрни ташкил қилади. Электрокарнинг гилдираклар базаси 2,5 метрга тенг. Автомобиль икки кишига мўлжалланган. Бундан ташқари, автомашинида кичкина ўлчамдаги юк учун жой ҳам мавжуд. Автомобиль бир жуфт электр двигателлар ёрдамида ҳаракатга келтирилади. Двигателларнинг умумий қуввати 40 киловатт (54 от кучини) ташкил қилади. Автомобиль 7 сонияда 100 километр тезликка эриша олади. Максимал тезлиги — соатига 150 километр. "Autoevolution" нашрининг маълум қилишича, янги автомобиль АҚШда жорий йилнинг ноябрь ойида ўтказиладиган "SEMA Show" кўргазмасида намойиш қилинади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

таларининг сара асарларини томоша қилиш мумкин. Айниқса, Жоржи Вазарининг "Бенедетто де Медичи портрети" асари эътиборга молик. Шунингдек, галереядан голландиялик рассомлар қаламига мансуб асарлар ҳам ўрин олган. Немис усталари орасида Лукас Кранахнинг "Одам Ато ва Момо Хаво", Йоахим Мар-



Саҳифани "Milliy tiklanish" муҳбири Шаҳзод ҒАҒҒОҒОВ тайёрлади

Рангин дунё

ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мерос объектлари сирасига кирувчи Музейлар ороли берлинликлар ва хорижлик меҳмонларнинг севимли маскани ҳисобланади. Орол худудида нақд бешта — Боде, Пергамон, Миллий галерея, Эски ва Янги музейлар мавжуд. Улар орасида Боде музейи ўзининг ҳашамдор биноси, бетақорр дизайн билан ажралиб туради.

Музей ташкил этиш гоёсини рўёбга чиқаришда таникли немис санъатшуноси Вильгельм фон Боденинг хизматлари беқийс. У ҳукумат аъзолари ва мулкдорларга тегишли йирик коллекцияни умумлаштириб, музей ташкил этишга қарор қилади. 1897 йилдан бевосита Боденинг гоё ва ташаббуси билан музей биносини қуришга киришилади. Музей биноси архитектор Эрнст фон Йне лойиҳаси асосида 1897-1904 йиллар оралиғида қуриб битказилди. Музей расман 1904 йилнинг 18 октябрида очилди. Боде музейи фондини янада бойитиш мақсадида Европанинг турли мамлакатларидан сара тарихий экспонатларни харид қилади. Бу билан у Германия тарихи ва маданияти ривожига муносиб хисса қўшди. Музей биноси Иккинчи жаҳон уруши йилларида жиддий зарар кўрди. 1950-1960 йил-

ларда музей қисман фаолият юритди. 1956 йилда музей унинг асосини шарафига Вилгельм фон Боде номи билан қайта номланди. Ўтган асрнинг 90-йилларида музей биноси қурилишида жиддий камчиликлар аниқлангани учун юз йиллик тарихга эга музейни қайта таъмирлаш ҳамда унинг тарихий кўринишини тиклаш юзасидан қарор қабул қилинди. Бинони таъмирлаш учун 152 миллион евро ажратилди. Олти йиллик қурилиш-таъмирлаш ишларида сўнг музей 2006 йилнинг 17 октябрь куни қайта очилди. Неборокко услубида қурилган музей биноси Музейлар оролининг шимоли-шарқидида жойлашган бўлиб, 6 минг квадрат метрни эгаллаган. Музейга кириш жойи Шпре дарёсидан ўтган икки томонлама кўприк билан туташган. Музей катта гумбазли, Камеке, базиликали ҳамда кичик гумбазли заллар-

Берлиндаги Боде музейи



дам баъзи залида кайзер Фридрих Вильгельмнинг от устида ўтирган ҳайкали ўрнатилган. Музейнинг кичик гумбазли залида рококо услубида қурилган зина ҳамда мрамдардан ясалган ҳайкаллари томоша қилиш мумкин. Музейдан III-XV асрларда ишланган, Рим ва Византия империяси даврига оид турли коллекциялар ўрин олган. Музейнинг нумизматика бўлимида миллоддан аввалгилардан то бугунги кунга қадар

зарб этилган тангалар жой олган. Музейнинг иккинчи қаватидаги тўрт залда 4 минг танга ва медаллардан иборат экспозиция бор. Музейнинг биринчи қаватида эса нумизматика жамоат кутубхонаси жойлашган. Музейда қадимий ҳайкаллари ҳам томоша қилиш мумкин. Экспонатлар ўрта асрлардан то XVIII асрларга оид. Ҳайкаллар нафақат немисзабон мамлакатлардан, балки Франция, Голландия, Италия ҳамда Испаниядан келтирилган. Бу-

лар орасида Андреа делла Роббиа ишлаган "Якшанба", Игнац Гонтер ясаган "Мария Иммакулата" ҳайкаллари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Музейда Византия империяси даврига оид буюмлар, хусусан, фил суягидан ясалган турли экспонатлар, иконалар, мозаикалар ҳамда Рим даврига оид саркофаглар ҳам ўрин олган. Музейнинг тасвирий санъат галереясида италян, немис, голландия тасвирий санъат ус-

Музейларда замонавий ахборот технологиялари

Ўзбекистон — кўп асрлик бой тарихга эга, маданий ёдгорликлар, қадриятлар ва анъаналари билан ҳақли равишда умумбашарий цивилизацияга ҳисса қўшган мамлакатдир...



Сардор МУЛЛАЖОНОВ оёқини сурат

имкониятларидан самарали фойдаланиш музейларимизни жаҳонга танитади. Аксарияти музей тарихи, янгиликлар, тадбирлар, соҳанинг мутахассис ходимлари манзили...

Демак, "виртуал тур" ҳақида... Бугунги кунда юртимиздаги айрим музейларнинг виртуал шакли ҳам яратилган. Бироқ бу "виртуал музейлар"дан ўша музейларнинг ўзида фойдаланиш мумкин...

Алоқа тарихи музейида сайтидаги 3D форматли рақамли музей яратилган "виртуал тур" музей экспонатларини ўз кўзин билан кўришга ундади. Музей сайти тарихининг асосий вазифаси ва мақсад-муддаоси аслида ҳам шу эмасми?

Мобил аудиогида хизмати. Алоқа тарихи музейи борсангиз, инкинчи қаватда инфокиоска кўзингиз тўшгандир? Ана шу мўъжаз ускуна орқали музей ҳақидаги барча маълумотни олиш мумкин...

Музейга "ВИРТУАЛ САЁҲАТ". Халқимизнинг бебаҳо меросини миллий сайтларга жойлаштириш, шу орқали навқирон авлодга тўлиқ маълумот бериш, мамлакатимизнинг туристик салоҳиятини юксалтириш мақсадида кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда...

рида аудиогидадан фойдаланиш экскурсовод ходимларга бўлган талабни бирмунча камайтириб, уларни илмий тадқиқот ишларига кенг жалб этишга имкон яратади.

Аудиогида тарихининг асосий вазифаси ва мақсад-муддаоси аслида ҳам шу эмасми? "Музейимиз сайтининг янги кўринишдаги дизайнини тез кунларда, Мустақиллик байрами арафасида ишга туширишни режалаштириш...

ХУЛОСА ҲАҚИДА. XXI аср — музейлар учун ҳам инновациялар асри. Бугунги давр музейлар учун анъанавий вазифа ва хизматлардан биров четга чиқиб, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига кўмак берувчи янада кенг дастурларни амалга оширишни тақозо этмоқда.

Ахмад ЮСУПОВ, "Milliy tiklanish" мухбири. Яна бир муҳим жиҳат борки, музейлар сайти тарихининг такомиллашуви, сенсор киосклар, аудиовизуал технологиялар ва аудиогида ҳар қандай ёшдаги томошабин эътиборини жалб қила олади...

Олхўри — раънодошлар оиласига мансуб. Унинг 30 дан ортиқ тури маълум. Энг кўп тарқалгани оддий олхўридир. Таркибида жуда кўп миқдорда фойдали моддалар бор.



Қабзият, жигар ва ўт пуфагининг яллиғланиши, иситма ҳамда ревматизмда табиблир олхўри ейиш ва баргидан дори тайёрлаб ичишни тавсия этилади. Олхўри таркибида калий тузалари организмдан ош тузи ва сувнинг чиқиб кетишини кучайтиради.

БИЛАСИЗМИ?

- Икки океан, икки қитъа ва икки давлатни ажратиб турувчи бўғоз — Беринг.
● Машҳур немис олими Лейбниц 15 ёшида Лейпциг университети талабаси бўлган.

ТУРФА ОЛАМ

Электр велосипед

"Форд" компанияси Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган "Mobile World Congress" кўргазмасида "MoDe:Me" ва "MoDe:Pro" номли иккита электр велосипедни омма эътиборига ҳавола этди.



Иккала моделга ҳам 200 ваттлик электр мотор ҳамда 9 ампер-соат сизимга эга батареялар ўрнатилган. Бу эса ҳайдовчига соатига 25 километр тезлик билан ҳаракатланиш имконини беради.

Пайпоқ спорт пойабзали ўрнини босади

Швейцариянинг "Swiss Barefoot company" компанияси юқори пишиқликка эга пайпоқ тайёрлади.



Таъкидланишича, у спорт пойабзалининг ўрнини бемалол босиши мумкин. "Free Your Feet" номли махсулот ташқи кўринишдан қалин пайпоққа ўхшайди. Бироқ пишиқлиги жиҳатдан оддий хомашёдан тайёрланган кўплаб пойабзаллардан афзал.

"INTELLEKT INVEST" масъулияти чекланган жамияти ("INTELLEKT INVEST" МЧК) эълони. Юнусобод туман ҳокимлиги ҳузурдаги Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйқати олиш инспекцияси томонидан 2006 йил 19 декабрда 002524-10-сонли рӯйқат рақами остида давлат рўйқатига олинган Юнусобод тумани 15-мавзе, 49-уй, 16-хонадонда жойлашган "INTELLEKT INVEST" масъулияти чекланган жамияти ("INTELLEKT INVEST" МЧК) (ИНН: 300084814) таъсисининг № 1 буйруғига асосан 2015 йил 17 августдан тугатилганлиги сабабли давьолар эълон чоп этилганидан бошлаб икки ой мобайнида корхона почта манзили бўйича қабул қилинади.

Ягона оилада



"Ўзбекистон — умумий уйимиз"

Бағрикенг халқимиз. Миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик, таракқиётнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун юртимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари ягона ва аҳил оила фарзандларидек яшаб, истиқлолни мустақамлаш, жамият ҳаётининг барча жабҳасини жадал равақ топтириш йўлида самарали меҳнат қилаётир.

мемлакатимизда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари бадий жамоалари ҳамда Фафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғининг "Улугбек юлдузлари", "Дурдона" фольклор-этнографик жамоаларининг она Ватан, истиқлол ва дўстликни маҳд этувчи қўй-қўшиқлари янгради, рақс ансамблларининг чиқишлари байрам иштирокчиларга кўтаринчи руҳ бағишляди.

MILLIY TIKLANISH. МУАССИС: ЎЗБЕКISTОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ. ХОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРКАТУВИ» АКЦИОНДОРЛИК КОМПАНИЯСИ.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илхом АБДУЛЛАЕВ, Аҳром АҲМЕДОВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Мухаммаджон КУРОНОВ, Улғабек МУХАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолдин САФОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЕВОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРДОВ. ТАХРИРИЙ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй. ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Кабулхона (факс): 234-69-55, Парламенти фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73. Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.

Газета ҳафтанинг чоршанба кўни чиқади. 2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — 825, Адади — 5774. Газетанинг баҳоси келишилган нарҳда. Навбатчи муҳаррир: Шоҳида ДАМАНОВА. Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ. Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru. Босишга топшириш вақти — 21.30. Топширилди — 00.20.